

Тарағғу

ТОЛА СИФАТИ ЮҚОРИ

Оққўрғон пахта тозалаш заводи ўтган мавсум фермер хўжаликларидан контрактация шартномалари асосида 23 минг 200 тоннадан ортиқ хом ашё қабул қилиб олди. Бу жамоада айна дамдаги асосий эътибор сифатли тола олиш ва уруғлик чигитни белгиланган талаб ва меъёрга мувофиқ саралашга қаратилляпти.

Таъкидлаш лозимки, 2006 йил келтирилган хом ашёнинг 90 фоиздан кўпроги 1-навга қабул қилинди. Шунга яраша олинган тола сифати ҳам юқори бўляпти. Умуман, ҳозирги кунгача хом ашёнинг аксарият қисми қайта ишланиб, қарийб 4000 тонна тола тайёрланди. Сараланган уруғлик чигитларга кимёвий препаратлар билан ишлов бериш учун махсус корхоналарга пешма-пеш жўнатиляпти.



Бугун нафақат пойтахт ёки вилоятлар марказлари, балки катта-кичиқ олим шахар ва қишлоқларда бунёдкорлик ишлари авж паллада давом этмоқда. Жаҳон жамоатчилигининг эътирофи билан айтганда, юртимиз жамоли кун сайин ёшариб бораётганлигига барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Турли ижтимоий аҳамиятга эга замонавий ва кўркам бинолар, касб-хунар коллежлари, мактаблар, гузарлар ва бошқа жаҳон андозаларига мос меъморий мажмуалар ён-атрофга ўзгача чирой бағишламоқда. Аммо бугун фойдаланишга топширилган объектларнинг ҳаммаси ҳам меъёрли талаблар асосида бунёд этилаётгани, деган савол туғилиши табиий.

Чунки, айрим ҳолларда ишга тушган биноларнинг ҳеч қанча вақт ўтмай таъмирталаб бўлиб қолаётгани ҳам сир эмас. Ҳўш бугун вилоятимизда олиб борилаётган қурилиш ишлари талабга жавоб берадими? Умуман, соҳадаги ишларнинг айна кундаги аҳоли қандай? Шу каби саволларга жавоб берар экан, Ўзбекистон республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Тошкент вилояти бўйича давлат архитектура-қурилиш назорати инспекцияси бошлиғи Тоҳиржон Ботиров кўйидаги гапни гапириб берди.

Ишлаб чиқаришда давлат меъёрларига амал қилиниши, қолаверса, техник шартларнинг бажарилиши юзасидан ўтказилган назорат текширувлари натижасида бир қатор нуқсонлар аниқланди. Ҳў-

МЕЪМОРЧИЛИКДА МУҲИМИ МЕЪЁР

сусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 26 апрелдаги «Шаҳарларда йўл қурилишини ташкил этишни тақомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қароридан сўнг ҳам вилоятимизнинг айрим шахар ва туманларида узокни қўламай, шахсий манфаатни ўйлаб, шўх кўчалар ҳамда марказларда архитектура-шаҳарсозлик, коммуналхўжалиқ, транспорт, санитария қондалари, шунингдек, ёнгинага қарши меъёрлар ҳамда бош режага амал қилмасдан қурилиш бошлаш ҳолатлари учрамоқда. Жумладан, ўтган йил давомида 422 та қурилиш Давлат архитектура-қурилиш назорати инспекцияси рўйхатига олинган ва қурилиш-монтаж ишларига рухсат берилган бўлса, шундан 274 таси манзилли дастурга кирган объектлар ҳисобланади. Нозирларимиз томонидан уларда 1419 маротаба текширувлар ўтказилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича 771 та кўрсатма берилди. Қурилишдаги қонунчилик талаблари қўпол равишда бузилган 36

ларда бош режа ва «Шаҳарсозлик кодекси» талабларига амал қилмаганлиги учун Бўстонлик туманидаги «Хумсон» ширкат хўжалиги ва Қўрғон туманидаги «Тошкент» мева-кўчатчилик тажриба хўжалигига 658,0 минг сўмдан, Юқоричирчиқ туманининг «Дўстлик» ва Зангиота туманининг «Эркин» ширкат хўжалиқларига 756,0 минг сўмдан жарима солинди. Объектлар қурилишини керакли лойиҳа-смета ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларсиз бошлангичи учун вилоят ҳокимлигининг ягона бюротмачиси ҳисобланган «Инжиниринг компанияси»га 658,0 минг сўм ва хорижийнинг «DAESHIN-EGATEX» МЧЖга эса 756,0 минг сўм жарима қўлланди.

СИФАТ ВА МАЗМУН — САМАРАДОРЛИК ОМИЛИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан таълим мазмуни тақомиллаштириш ва сифат самарадорлигини таъминлашнинг устувор йўналишларига бағишланган ўқув-семинар бўлиб ўтди. Унда вилоят, шахар, туманлар халқ таълими бошқарма ва бўлимлари раҳбарлари, услубчилар иштирок этди.

Семинарда таълим соҳасига давлатимиз томонидан кўрсатилаётган эътибор ва ғамқўрликнинг қадрига етиш, барпо этилаётган янги мактаб биноларини сақлаш бўйича жамоатчилик назоратини ўрнатиш, билим масканларидоги замонавий жиҳозлар, ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер воситаларидан унумли ва самарали фойдаланиш, уларни асраб-авайлаш бўйича чора-тадбирларни кучайтириш зарурли-



Бу мавсум ҳозиргача 400 га яқин фермер хўжаликлари билан 2007 йил ҳосили учун шартномалар тузилди. Уларга уруғлик етказиб берувчи 6 та шохобча хизмати ташкил этилди.

СУРАТЛАРДА: корхона ишчилари Алишер Таниқулов ва Исмаил Ҳўжаев тайёр маҳсулотни жойлаштиришмоқда; товаршунос Илбўри Айдиев уруғлик чигит сифатини кўздан кечиримоқда. Пардавой ЭРГАШЕВ олган суратлар.

ган бошқа касб эгалари томонидан йўл қўйилмоқда. Аксарият қурувчи-тадбиркорлар эса қонун-қондани менсимай, ўзбошимчилик билан қурилиш бошлаб, ўзлари билиб-билмай меъморий талабларни четлаб ўтишмоқда. Бунинг натижасида фойдаланишга топширилган баъзи объектлар ҳеч қанча вақт ўтмай таъмирталаб ҳолга келиб қолмоқда.

Айрим жойларда эса маҳаллий раҳбарларнинг ўзлари бундай ноқонуний қурилишларга йўл очиб беришга қарши ажаблантиради. Шаҳар ва туманлар ҳокимлиқларига нозирларимиз томонидан аниқланган камчиликларнинг олдини олиш мақсадида юборилган хабарномалар эътиборсиз қолмоқда.

Юқоридоги каби камчиликларга келгусида йўл қўймаслик мақсадида зарур чоралар белгилаб олинди. Хусусан, «Шаҳарсозлик кодекси» талабларига риоя этилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги вилоят ҳокимлигининг қарори соҳага алоқадор ташкилотлар зиммасидаги масъулиятни янада оширди.

Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтиш лозим. Объектлардаги қурилиш-монтаж ишлари лойиҳа асосида олиб борилаётганлиги ва унинг сифатини назорат қилиш аввало пудратчи ва бюротмачи, қолаверса, лойиҳалаш ташкилотлари зиммасига юклатилган. Инспекция эса давлат ташкилоти сифатида уларни шартнома асосида назорат қилади. Қурилиш ақунлангач, ишчи давлат қабул комиссиясига иштирок этади. Бундан ташқари объект қурилиши ёнгинага қарши кураш, санитария ва эпидемиология хизматлари ва бионодан фойдаланувчи ташкилотлар томонидан назорат қилиниши мумкин. Камчиликлар учраган тақдирда бюротмачи ва пудратчи билан биргаликда улар бартараф этилади.

Вилоятимизда қурилиш билан шуғулланмоқчи бўлган ҳар қандай тадбиркор, қўшма корхона раҳбарлари ёки инвесторларни назорат инспекцияси билан ҳамкорликда ишлашга чорлаган бўлар экан. Мутахассисларимиз барча йўл-йўриқ ва қонун-қондаларни тўлиқ тушунириш, зарур ҳужжатларни тайёрлашда кўмаклашадилар. Шунда қурувчи ва назоратчиларга ортинчқа ташвиш, овозгарчилик туғилмайди. Энг мумкин, тадбиркорлар қурган бинолар ҳақиқий мулк бўлади.

Равшан ЁҚУБЖОНОВ сўхбатлашди.

Маҳалла ҲАМЖИҲАТЛИК

СОГЛОМ МАЪНАВИЙ МУҲИТ ҲАМДА ФАРОВОН ТУРМУШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИДИР

Кейинги йилларда ўзини бошқаришнинг кўйи бўғини — маҳалла фаолиятига алоҳида эътибор қаратилиб, уларга кенг рақолатлар, ҳуқуқ ва эркинликлар берилляпти. Айниқса, бошқарувнинг бу бўғинида жамият тараққиёти, инсон манфаатларига хизмат қиладиган муҳим чора-тадбирлар юрт раънақи учун мустаҳкам пойдевор қуришимизда катта аҳамият касб этмоқда.

Дарҳақиқат, Чиноз туманидаги Ҳўжа маҳалласининг фаолияти билан танишиб, аҳоли оғошчилигини таъминлаш, меҳр-оқибатлик, тотувлик, шунингдек, ўсмирлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратилаётганлигига амин бўлдим. Қолаверса, бу ерда йигит-қизларни касб-хунарларга йўналтириш, аёллар ва ёшлар учун янги иш ўринларини ташкил этиш ҳамда турли ҳуқуқбузарлик, жиноятчиликларнинг олдини олиш борасида ибратли натижаларга эришилаётган.

Йиллик дастур асосида ҳаракатимизнинг мазмун-моҳиятини миллиятлараро тотувлик, дўстлик, баҳамжихатликни кучайтириш, аҳолининг кам таъминланган қатлами ижтимоий муҳофаза қилиш, энг муҳими, инсон кадр-қимматини ошириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга қаратдик, — дейди маҳалла оқсоқоли Собир Раимов. — Аслини олганда маҳалламизнинг қадим идизи узок йилларга бориб тақалади. У ўзининг 223 йиллик тарихига эга. Мустақиллик йилларида ажодларимиздан мерос бўлиб қалаётган миллий қадриятларимиз, анъаналар ҳамда меҳр-оқибат туйғуларини билан ҳисоблаганда 200 дан ортди.

Бугунги кунда бу ерда 3 минг 600 нафар аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг тўртдан бир қисми вояга етмаган ёшлардир. Маҳалла фаоллари мавжуд имкониятлар, шарт-шароитлардан келиб чиқиб, баркамол ёш авлодни тарбиялашдан иборат вазифа ва мақсадларни рўйбга чиқаришда фаол иштирок этмоқдалар.

Бу борада текса, катта ҳаёт тажрибасига эга кишиларга кўпгина ибратли ишларга бош-қош бўлиб келмоқдалар. Аҳолининг бир мақсад сари ўзаро жипслашуви, мавжуд муаммоларни хал қилишга сиқидилган ёндашуви алоҳида ўрин тутмоқда.

Кизгин сўхбат давомида оқсоқол одамларда тадбиркорликка интилиш, аҳолига хизмат кўрсатишни ташкил этишга рағбат кучайиб бораётганини хусусида сўз юритди. Айниқса, хизмат кўрсатиш доирасининг тобора кенгайиб бораётганидан аҳоли ниҳоятда мамнун бўляпти.

Маҳалла биносида илгарилари етарли шарт-шароит йўқ эди, — сўзини давом эттиради оқсоқол. — Бир кун тадбиркор Қобилжон Махмудов янги мулоҳаза хусусида сўз очиб қолди. Эски кечки мактаб биноси ўрнида маҳалланинг янги гузаро мажмуини барпо этиш тақдирини борлигини айтиди. Бамақсад иш қўрилган, тадбиркор томонидан амалий ҳаракатлар бошлаб юборилди. Ўтган йили шу жойда гузарнинг янги мажмуи қад ростлаб, Нарвўз арасидаги фойдаланишга топширилди.

Бу ерда озик-овқат дўкони, наввойхона, тикувчилик цехи, майиш хизмат кўрсатиш хоналари, оталар

чойхонаси, спорт зали, маҳалла идораси, шунингдек, 500 ўринга мўлжалланган тўйхона аҳолига хизмат кўрсата бошлади. Мажмуа очилиши асосида тадбиркор кам таъминланган оилаларнинг 5 нафар фарзандлари учун суннат тўйи ўтказиб, эл-юртга ош берди. Шу билан бирга 35 нафар кишини муқим иш билан таъминлади. Тўй-маъракалар мавсумида шартнома асосида яна 15 нафар киши ишга жалб этилди.

Булардан ташқари маҳалла ҳудудида энгил маҳаллага техника хизмат кўрсатиш учун урта шохобча, наввойхоналар, савдо дўконлари каби тадбиркорлик тузилмалари мавжуд. Улардаги асосий иш ўринларини худуд аҳолиси банд этган.

Кейинги йилларда, — дейди оқсоқол, — йигит-қизларимизнинг касб-хунарга, билим олишга иштиёқлари ортиб бормоқда. Биргина 2005 йилда 85 йигит-қиз турли мутахассисликлар бўйича ўқув ортиларига ўқишга жойлашди. Ўтган йили улар сафи коллеж талабалари билан ҳисоблаганда 200 дан ортди.

Кўпинча ота-оналар фарзандлари хунари бўлишини истаб, мурожаат этишди. Биз эса, кизиклишарига қараб, уларни турли касб усталарига бериштириб қўямиз. Ўтган 5 йил давомида меҳнат бўлими қошида ошпазлик касби бўйича ўқув курсларини ташкил этиб, 100 дан зиёд ёш шогирдлар тайёрладик. Ҳозир уларнинг аксарияти тўю тантаналарда эл-юрт учун хизмат қилмоқдалар.

Спортга бўлган эътибор, яратилаётган шарт-шароитлар туйғулари спортчи ёшлар сафи ҳам кенгаймоқда. Улар учун спортнинг бокс, таэквон-до, каратэ ва бошқа турлари бўйича клублар ташкил этилган. Уни маҳалламиз ифтихори, таэквондо бўйича икки қарра Европа, Грецияда ўтказилган Жаҳон чемпионлигини совриндори, Осие китъаси чемпиони Элмурод Тожибоев бошқаради.

Ҳозир шогирдларим 70 нафарга етказди, — дейди Элмурод. — Меҳнатларим зое кетмапти. Улардан бири ёдинида бўлса, 2002 йилнинг охирида Англияда қироликча соврини учун таэквондо бўйича ўтказилган очик Европа чемпионатидир. Юртимиз жамоаси сафида туманининг вақиласи, ёш спортчи Шаҳноза Холиқова ҳам муваффақиятли иштирок этиб, олтин медалга сазовор бўлган.

Йигитларимиздан Аббос Абдуллажонов ҳам яхши натижаларга эришмоқда. Беш маротаба Ўзбекистон чемпиони унвонига сазовор бўлган. Бундай натижаларни кўргандан кейин, қайси ота-она спортга ҳавас қилмайди, дейсиз. Клубга фарзандларини етаклаб келувчилар кўпаймоқда.

Ҳамжихатликда олиб борилаётган бу каби ишлар натижасида эзгулик, соғлом маънавий руҳият маҳалладошлар оғ-шуруйи, ҳаёт тарзи ва хатти-ҳаракатларида янги маънавий муҳит касб этмоқда.

Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ, «Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

Вояга етмаган ёшлар билан ишлаш масалаларига маҳалла фаоллари етарли эътибор қаратишмоқда. Маънавий-маърифий, ахлоқий тарбияга оид урғуларда мактаб директори Фарид Иброҳимова, маҳалла имом-хатиби Эргаш Холматов ва нурунийлар иштирокида сўхбатлар уюштирилади. Ҳар бир кўча вакилининг тақдир-мулоҳазалари тингланади, фикрлар жамланади. Долзарб масалаларни хал қилиш учун муқим қарорлар қабул қилиниб, амалда бажаришга киришилади.

Тадбирларда профилактика инспекторининг фаол иштироки, унинг аҳоли билан ҳамжихатлиги маҳаллада тинчлик ва тотувчиликни мустаҳкамлаш, жиноятчи-

ликнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада милиция катта лейтенанти Миролми Холмиевнинг хизматлари, айниқса, катта. Кейинги уч йил давомида турли ҳуқуқбузарликлар содир этилиши кескин камайганлиги мана шу тарбиявий ишларнинг самарасидир. Бу жараён ўтган йили ҳам намунали кечди.

Яқинда муҳташам «Туркистон» саройида икки ишлар тўғрисида ўтказилган «Намунали милиция таянч пункти» танловига ҳудудимиздаги 271-милиция таянч пункти фаолиятига ижобий баҳо берилди, — мазмунини билан сўзини давом эттиради оқсоқол. — Албатта, бу аjoyиб силжешларни фаолларнинг кўмағисиз эшлаш қийин. Оилалар тотувлигини сақлаш, ёш келин-куёвларни ҳаётга тўғри йўналтиришда Турсуной Қамбаров, Мавлуда Расулва, Қумри Алимова ва маслаҳатчи Уктамов Усмонова каби жонқуяр аёлларнинг ила-нишлари янги самара бермоқда.

Ўтган йили ҳудудда 46 йигит-қиз оила қуриб, янги ҳаётга қадам қўйди. Миллий қадриятларни тиклаш, ортинча сарф-харажат, исрофгарчиликларга берилмасдан, тўй-маъракаларни ихчам, файзли, оғошшга ўтказишда Абдурахмон Ақромов, Хамидулла Расулов, Тўлқин Турсунов, Муродхон Мансуров каби унлаб фаолларнинг ҳиссалари катта бўляпти. Аҳолининг кундалик турмуши, маънавий-ахлоқий тарбия, маданий-маърифий ишларни кучайтириш билан боғлиқ долзарб масалалар шу фидойилар иштирокида кўриб чиқилди.

Ҳамжихатликда олиб борилаётган бу каби ишлар натижасида эзгулик, соғлом маънавий руҳият маҳалладошлар оғ-шуруйи, ҳаёт тарзи ва хатти-ҳаракатларида янги маънавий муҳит касб этмоқда.

Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ, «Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

Истеъмолчи манфаати ХАРИД ҚИЛГАН ТУЗИНГИЗ ЙОДЛАНГАНМИ?

Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистонда 2005-2009 йиллар давомида йод танқислиги касалликларини камайтириш ва профилактикаси бўйича» Давлат дастури ҳамда Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти федерациясининг йўл-йўриқларига асосан ички истеъмол бозорида ош тузи қай даражада йодланганини мунтазам назорат қилиб бориш тадбирлари уюштирилди. Йил бошидан республика миқёсида йодланган ош тузи мониторинги бошланди. Бундай тадбирлар вилоятимизда ҳам кенг қўламада ўтказилмоқда.

Яқинда Охангон туманида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти ҳамда санитария-эпидемиология назорат марказида ҳам шундай мониторинг ўтказилди. Унда қишлоқлардаги савдо дўконларида сотилаётган ош тузи таркибидаги йод миқдори ўрганиб чиқилиб, йодлаш даражаси паст эканлиги аниқланди. Масалан, «Бурхон қори», «SALIO», «FAYZ-UZ» хусусий фирмаларида ишлаб чиқилган тузалар таркибидаги йод меъёрига нисбатан 50-60% дан ошмайди. Бунинг устига сифати, қадқоланиши ҳам талаб даражасида эмас. Дўкон сотувчилари тузининг сифатини, йодлашнинг аҳамиятини ҳақида ҳеч қандай тушунчага эга эмаслар. Аксарият савдо шохобчаларида санитария-гигиена қоидаларига тўлиқ риоя қилинмайди. Озик-овқатлар усти очик ҳолда, тез айнавчи маҳсулотлар эса совутиқда эмас, ташқарда сақланмоқда. Бирорта дўконда сотилаётган маҳсулотнинг

сифатини белгилловчи сертификат йўқ. Таъкидлаш жоизки, бундай ҳолатларга йўл қўйилишига аҳолида истеъмолчилик маданиятининг етишмаслиги, ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билмаслиги ҳам сабаб бўлмоқда. Улар маҳсулотни харид қилаётганда нималарга эътибор бериш кераклигини билмайдилар, маҳсулот учун чек талаб қилмайдилар. Бундай ҳолатлар истеъмол бозорида учраётган камчилик ва муаммоларни бартараф этиш учун биринчи навбатда истеъмолчининг ҳуқуқий онгини оқшатириш зарур эканлигини кўрсатмоқда. Қанчонки, истеъмолчи ўз ҳуқуқидан яхши хабардор бўлса, ўзи учун нима фойдалиб нима зарарли эканлигини тушуниб етса, тақдир этилаётган маҳсулотнинг сифатини текшириб, кейин харид қилишни ўрганса, муаммолар ўз ечимини тезроқ топади. **Нигора ТҲУТАМАТОВА.**

МАРКАЗ БЕРГАН ИМКОНИЯТ

Бугун аксарият давраларда ёшлар китоб, газета-журнал ўқимай қўйди, деган мулоҳазалар қулоққа чалинади. Бу фикр қайсида маънода тўғридир. Лекин ёшлар мутула қилмай қўйганига қатталар ҳам айбдор эмасми? Болани китобга ошно қилиш оилалар, мактабдан бошланади. Ана шу жиҳатларни ҳисобга олган бизнинг мактабда оила билан мактаб ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилган.

Мақтабимиз ўзининг иктидорли ўқувчилари билан анча оғизга тушган. Айни дамда бу даргоҳда 1321 нафар ўғил-қиз таҳсил оляпти. Уларга таълим-тарбия бериш жараёнида интерактив усуллардан фойдаланиш, ёшларни касбларга тўғри йўналтириш ўз самарасини бермоқда. Лола Тожибоева, Изаббег Асатова, Саноат

замонавий адабиётлар билан таъминланиши, симфларнинг асбоб-ускуна, компьютер техникаси, анжомлар билан жиҳозланганлиги асосий эътиборни қаратмоқда. Ўқувчилар бўш вақтларда, танафусларда мамлакатимизда чоп этилаётган ижтимоий-сиёсий газеталарни ўқиб, узаро муҳокама қиладилар. Айниқса, «Бекобод ичиси», «Тошкент ҳақиқати», «Ўзбекистон овози» каби газеталарнинг ҳар бир сонини орзқичиб кутадилар. Таълим жараёнида замонавий илмий билимлар билан қуролланган ва баркамол инсонни шакллантиришга хизмат қиладиган таълимнинг янги

миллий моделига тўлиқ ўтиш орамизда иктидорли, иждоқдор ўқитувчиларни кашф этиш билан бирга ўқувчиларнинг истеъдодлари ҳам тўла юзага чиқишига замин яратаяпти. Жумладан, С. Жуманова, М. Идрисова каби ёш мутахассислар ташкил этаётган ноъанавий дарсларда, турли тадбирларда ўқувчилар фаол қатнашиб, мавзу доирасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришмоқдалар. Ўқувчиларнинг бераётган жавобларидан бугунги ёшларнинг тафаккур олами кенглиги, фикри теранлигидан қувониб кетасан, киши. Дарс-нон бошлаш туриб, улар билан бўладиган қисқа сиёсий сўх-

батлардан завқланиб кетаман. Негаки, ўқувчиларнинг ҳар бири юртимиз ижтимоий-сиёсий ҳаёти ҳақида ўз фикрига, нуқтани назарига эга. Асосийси, уларда мамлакатимиздаги янгилишларга дахлдорлик туйғуси юксак. Аслини олганда, биз таълим фидойиларининг мақсади ҳам шу — эл дарди билан яшайдиган, унинг қорига ярайдиган фарзандларни тарбиялаш. Чунки, сиёсий фаоллик ва юксак илмий салоҳиятга эга бўлган ёшларни ҳамиятнинг гуллаб-яшнаши таъминлаш мумкин. **Хуришда МИРЗАМАТОВА,** Бекобод шахридаги 9-мактаб ўқитувчиси.

Ўзбекистон телевидениеси кўрсатувлари дастури

Table with 6 columns: DUŠANBA 12, SEŠANBA 13, ЧОРШАНБА 14, ПАЙШАНБА 15, ЖУМА 16, ШАНБА 17, ЯҚШАНБА 18. Each column contains TV program schedules for various channels like Ўзбекистон 1TV, ЁШЛАР, and СПОРТ.

Жаҳон оммавий ахборот воситаларида дунёнинг бир қанча мамлакатларида парранда гриппи борасида мураккаб эпизоотик-эпидемиологик вазият юзага келгани ҳақида хабарлар тарқатилмоқда. Жумладан, Жануби-шарқий Осиё ва Европанинг кўплаб мамлакатларида ушбу хавф тобора ортомоқда. Бу ҳолат дунё иқтисодиётига катта зарар etkazибгина қолмай, одамлар ҳаёти учун ҳам жиддий хавф туғдираётди.

Мутахассислар сува сузувчи ва очик сува хавзалари атрофидан учиб ўтувчи ёввойи кушларнинг мазкур касалликни тарқатиш эҳтимоли юқори эканини қайд этишган. Баҳорги ва кузги кўчиш мавсумида уларнинг асқариёти юртимиз ҳудудидан ҳам учиб ўтади. Айни пайтда ушбу мавсум бошланипти. Бу эса юртимизда четдан парранда гриппи кириб келишининг олдини олишда Ўзбекистон Табиати муҳофазаси қилиш давлат кўмитаси атроф-муҳит мониторинги гуруҳи бошлиги Ислам Хўшвақтов. — Зеро, кейинги вақтларда хорик матбуотида парранда гриппи туфайли ёввойи кушлар кириб кетаётгани билан боғлиқ маълумотлар яна пайдо бўлмоқда. Жумладан, Касий денгизининг Озар-

зотлар кираси. Уларнинг Осиё минтақаси бўйлаб парвози Россия ва шимолий Козогистон кенгликларидан бошланиб Африка, Хиндистон, Покистон ҳудудларига қўзилди. Кушларнинг бундай кенг масофа бўйлаб кўчиб юриш муддати, асосан, баҳор ва кузга тўғри келади. Хар мавсумда миграция даври 3-3,5 ой, баъзан ундан ҳам узок-

ган қарий бир миллион куш қиштакли бўйлаб парвози Россия ва шимолий Козогистон кенгликларидан бошланиб Африка, Хиндистон, Покистон ҳудудларига қўзилди. Кушларнинг бундай кенг масофа бўйлаб кўчиб юриш муддати, асосан, баҳор ва кузга тўғри келади. Хар мавсумда миграция даври 3-3,5 ой, баъзан ундан ҳам узок-

демология, ветеринария хизмати ходимлари, орнитолог олимлар, мутахассислар ва бошқа тегишли идора, ташкилотлар мутаасадилари билан ҳамкорликда юртимизда парранда гриппи тарқалишининг олдини олиш борасида кенг кўламли ишларни амалга ошираётди. Бу борада, даставвал, кушларнинг баҳорги ва кузги миграцияси йўл харитаси тузилди. Унда сува сузувчи ва сува хавзалари узра учиб ўтувчи кушларнинг харакатлини йўналишлари аниқ қўрсатиб берилган. Мазкур харита тегишли идоралар мутахассисларига etkazилди. Утган йилларда бўлганидек, бу йил ҳам 19 февралдан бошлаб

ёввойи кушларни овлаш вақтинча тўхтатилди. Кўмита таркибидаги давлат биназорат бошқармаси овчилик ва балиқчилик уюшмалари мутахассислари билан ҳамкорликда амалий ишлар рехасини ишлаб чиқиб, шу асосда иш олиб бораётди. Мутахассисларимиз овчилар, балиқчилар ва табиатдан бевосита фойдаланувчи бошқа тузилмалар меҳнат жамоаларида бўлиб, парранда гриппининг олдини олиш бўйича ишлаб чиқилган эслатма ва қўрсатмаларда белгиланган вазифаларни атрофлича тушунтираётди.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда паррандаларда мазкур хасталик мавжудлигини зудлик билан аниқлаш имконини берадиган барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Мутахассисларимизнинг очик сува хавзалари бўйича кузатув ва мониторинг тажрибасини, мавжуд вазиятни назоратга олиш борасидаги малакасини янада ошириш, аҳоли орасида экологик ва табиий маданиятни оширишга йўналтирилган тушунтириш ишларини кучайтириш мақсадида тегишли вазирлик ва ташкилотлар билан ҳамкорликда ўқув-машгулотлар ташкил этиляпти. Юртимизга парранда гриппи кириб келишининг олдини олиш борасида шаклланган тажриба мамлакатимизда эпизоотик-эпидемиологик вазиятни барқарор сақлаш имконини бераётди.

Ўза мухбири Баҳор ХИДИРОВА Ёзиб олди.

КОИНОТ СИРЛАРИ

Инсон асрлар мобайнида Ер ва Коинотнинг қандай пайдо бўлганига қизиқиб келган. Бу соҳада олиб борилган кузатув ва тадқиқотлардан маълум бўлишча, Коинот — объектив борлиқ, замон ва макон билан чекланмаган. Коинот чексиз космик жисмлардан ташкил топган бўлиб, улар ерга қараганда бир неча миллион баробар каттадир. Объектив борлиқ — оламда содир бўладиган ҳодиса ва жараёнларга ўзаро боғлиқ. Жамий тараққийнинг ҳар бир босқичида инсоният коинотнинг бирор қиррасини кашф этган. Илмий тадқиқот усуллари, астрономик асбобларнинг тобора тақомиллашуви натижасида тадқиқотлар янада чуқурроқ, билимлар ҳақиқат қачинроқ бўлиб бормоқда. Олимларнинг фикрича, сайёралар сувуқ ҳолатдаги газ ва чағ болултудан ҳосил бўлган. Булутнинг газ қисми қуёшнинг яқин атрофидан термик парчаланиш сабабли фазога тарқалиб кетди, шунинг учун ҳам Ерга ўхшаш сайёралар қимёвий тузилми жиҳатидан улкан сайёралардан фарқ қилади. Табиатда кел нараса йўқдан бор ва бордан йўқ бўлмаслиги маълум. Материя бутунлай йўқ бўла олмайди, мулк бўлиш ҳам мавжуд бўла олмайди. Илгари коинотдаги барча жисмлар массаси, асосан, юлдузларда тулганган, сайёралар ва майда жисмлар унинг бир қисмини ташкил этади, деб фараз қилинар эди. Эндиликда юлдузларнинг пайдо бўлиши ва тараққийда галлактикалар ядросининг фаол марказ эканлиги аниқланди.

Асомиддин ХИДОЯТОВ, Тошкент Молия институти талабаси.

СУВ ҲАВЗАЛАРИ ДОИМИЙ МУҲОФАЗАДА

Байжонга туташ сохилларида нобуд бўлган ёввойи кушларда мазкур хасталикнинг юқори патогенлиги вирус мавжудлиги аниқланган. Туркиянинг Арманистон ва Эрон билан чегарадоҳ ҳудудларида, Германия, Болгарияда, Россия Федерациясининг Краснодар ўлкаси, Догистон ва Украинанинг Крым вилоятида ҳам ана шундай ҳолат қайд этилган. Бундан қўринадики, кўчиб юрвчи ёввойи кушлар мазкур хасталикнинг асосий тарқатувчилари бўлиб қоляпти. Уларга ёввойи ўрдак, гоз, қашқалдоқ, балиқчи куш, қарқара, кокилдор қуш сингари сува сузувчи ҳамда очик хавзалар атрофидан учиб ўтувчи жон-

Спорт | Спорт | Спорт |

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов соврини учун кураш буйича Буюк Британия пойтахти - Лондон шаҳрида ўтказилган еттинчи халқаро турнирда ҳамюртимиз Индира Ихлосова иккита олтин медални қўлга киритди.

ИНДИРАНИНГ ОЛТИНЛАРИ

Ийгиридан ортиқ мамлакатдан кучли спортчилар иштирок этган маъруз турнирда Индира Ихлосова 57 килограмм вази тоифасида гиламга тушиди ва финалда ўзидан анча оғир - 63 килограммлик рақибни устидан ишончли раёба қозondi. Мамлакатимиз тарма жамоаси таркибидан ана шундай нуфузли турнирда иштирок этганидан фахрланаман, - дейди Индира. Юртимиз байроғи баланд кўтарилиб, мадҳиямиз янграган пайтда кўнглимдан кенга фахр ва ифтихор туйғусини бир умр унутмайман. Халқаро турнирда яна бир ҳамюртимиз - амударёлик Садрдор Соатов 65 килограмм вази тоифасида учинчи ўринни эгаллади.

А. ОРТИҚБОВ, ЎЗА мухбири.

ОЛЬГА - «КАМОЛОТ» МАЛИКАСИ

Пойтахтимиздаги "Жар" спорт-соғломлаштириш мажмуида "Камолот" ёшлар иқтисодий ҳаракати ташаббуси билан ташкил этилган стол тенниси буйича "Камолот" маликаси мусобақаларининг республика босқичи якунланди.

8 март - Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тадбир Республика Хотин-қизлар қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, "Маҳалла" хайрия жағмағисси ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда ўтказилди. "Камолот" ёшлар иқтисодий ҳаракати марказий кенгашида маълум қилишларича, қизларни спортга оммавий равишда жалб этиш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва стол теннисини оммавийлаштириш мақсадида ташкил этилган ушбу тадбирнинг вилоят босқичларида қарийб минг нафар 13-16 ёшли ўқувчи қиз ўзаро куч синашган. Улар орасидан сараланган элик олти нафар спортчи мусобақанинг якуний босқичига

йўлланма олган эди. Мусобақаларда Тошкент вилояти Юқоричирлик туманидаги 19-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Ольга Кимга ҳам буюнчи ўрин насиб этди. - Биз уч кун мобайнида пойтахтимиздаги мухташам спорт мажмуида стол тенниси буйича ўзаро куч синашиш баробарида кўпball дўстлар ҳам орттирдик, - дейди Ольга Ким. - Мамлакатимизда ёш авлодни жисмонан баркамол ва етук этиб камолга етказишга қаратилаётган бундай улкан эътибор ва ғамқўрлик бизни ўқувчи, спорт тадбирлари ва ёшлар ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилган лойиҳаларни ҳаёта исчи таътиб этишда янада фалорқ бўлишга ундайди. Баҳор ХИДИРОВА, ЎЗА мухбири.

Пойтахтдаги Ёш томошабинлар театрида Франциянинг жанубий қисмида машҳур бўлган фламенко рақс ижрочиси Жан-Филипп Брутман бошчилигидаги гуруҳ концерт дастурини намойиш этди.

Концерт Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамда Виктор Гюго маданият маркази ҳамкорлигида ташкил этилди. Гитарада бир қанча мусиқа ижросини яратган Ж. Брутман 34

ФРАНЦИЯЛИК САНЪАТКОРЛАР ТАШРИФИ

ёшда. У ёш мусиқашунос бўлишга қарамай Францияда таниқли композиторлардан биридир. Ўз гуруҳи билан кўпball хорижий мамлакатларда ижодий сафарда бўлган санъаткор юртимизга воқал ва гитара йўналишида энг иқтидорли ҳамкасблари Альберто Гарсиа, барабанчи Эдуардо Карва ва раққоса Шарон Султан билан ташриф буюрди. Мазкур

ансамбль юртимизда бундан олдин ҳам бир неча бор сафарда бўлган. Театрда бўлиб ўтган концертда улар санъатнинг ноёб турларидан бири барабан, рубоб ва гитара йўналишларида яратган сара асарларини мухлислар эътиборига ҳавола этишди. Ёш томошабинлар театрида муваффақиятли якунланган концерт юртимизнинг қадимий шахри

Самарқандга ҳам кўчди. Виктор Гюго номидаги Франция маданият маркази маслаҳатчиси Хьюго Балтинжернинг таъкидлашича, икки халқ санъат ахлининг ҳамкорлиги исчи давом этади. Бундан ҳар иккала мамлакат халқлари баҳраманд бўлишади.

Рустам ХАЙДАРОВ, «Туркистон-пресс».

ГИЛАМЛАР ЖОЗИБАСИ

Ўзбекистон Маданият ва санъат кўргазмаси биносида гиламлар кўргазмаси очилди.

Юртимизда гиламчилик қадимдан ривожланган. Ватанимизнинг ҳар бир ҳудуди ўзинга хос гиламчилик мактабига эга. Самарқанд, Қорақалпоғистон, Қашқадарё, Андижон, Хоразм гиламчилик мактаблари бир-биридан бетакорлиги билан ном қозонган. Истиқлол йилларида миллий хунармандликнинг барча турлари каби гиламдўзликнинг янада ривожланишига, соҳада фаолият кўрсатаётган хунарманд ва усталарни қўллаб-қувватлаш, ҳар томонлама рағбатланти-

ришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кўргазмада тошкентлик гилам тўқувчи хунарманд Р.Жуманазарова ижодига мансуб намуналар ҳамда шахсий тўпламларда сақланаётган гиламлар томошабинлар эътиборига ҳавола этилган. Намойиш этилаётган "Жулхирси", "Ёвмут", "Болиштурк", "Салор", "Башир" каби номлар билан аталувчи гиламчилик намуналари нақшларининг нафислиги билан томошабинлар эътиборини тортмоқда.

Назoкaт УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.

Менинг болоғим Юнусобод кишлоғида ўтган. Тошкентнинг ёнбағрида жойлашган бу оромбахш макон ўзининг ширин-шакар мевалари, айниқса, узумлари билан машҳур бўлган. Боғимизда етти-саккиз ишқом узум ва олма-зоримиз бўларди. Боғда узум-

дими, изладим, гумонсираган қариндош-уруғларниқига бордим, аммо сурат ҳеч қаерда йўқ эди. Йиллар ўтди. Газета редакциясида ишлаб юрган кезларимда қадрдоним, машҳур ҳажвиячи Жамолдин ака (Алп Жамол) ёзган шеър,

САЙЁРА ёки бир сурат тарихи

нинг ҳамма хиллари бўлиб, дастлаб оқ-қизил чиллаки, оқ-қизил даройи, кейин оқ-қора кишиш, сўнг буваки, соҳибки, каттақўрғон, чарос, энг сўнгида қиримска пишарди. Чаросни отам ҳеч қимга бермас эдилар, пишиси билан узиб олиб, эзиб, мусаллас учун хумчага босардилар. Кўпинча мен тоғорага солиб, оёқларим билан эзиб берадим. Ун-ўн беш кун дағанда мусаллас етилари. Уни сузаднинг кунни, отамнинг дўстлари Аҳмаджон ака, Жалил ака, Юсуф ака ва себзорлик Саидгани ака боғимизга ташриф буюришарди. Бироз кайфиятларини кўтариб олишгандан кейин Саидгани ака қўлига дутор олиб, Фурқатнинг «Сайдинг қўя бер, Сайёда...» газалини қўшиққа солиб айтарди.



Бу қўшиқни айтишининг боиси шундаки, у улфатчилик қилиб ўтирган ўй деворидан бир номаълум расом томонидан Фурқатнинг ўша газалига ишланган бир сурат бўларди. Отам уни Бухоро мадрасасида ўқиган чоғларида қайдандир олиб келган эдилар. Уни ўзлари жуда ёқтирар, ким келса унинг мазмунини, қайси газалга қизилганини тушуниб қўйиб берадилар. Суратни еру қўқма ишонмасдилар. Саидгани ака уйимизга тез-тез келиб турарди. Шунда отам унга дуторни тўқатибди: «Кани, дўстим, «Сайдинг қўя бер...» ни хониш этиб беринг» дер эдилар.

Отам вафотидан кейин, биз кўпроқ Себзордоғи ҳовлимизда эса амакининг хотинлари қизлари билан яшарди. Мен ҳам бувимнинг ҳузурда тез-тез бўлиб турар эдим, чунки мен учун у олижаноб аёл азиз онамдек бўлиб қолган эдилар. Бир кун дала ҳовлимизга борсам, ўша машҳур сурат йўқ, қимдир олиб кетибди. Юрагим ёниб, кўзимга ёш келди, отамдан қолган бирдан-бир ёдгорлик шу эди-ю. Қайси ноинсоф мен учун ҳамма нарсадан қадрли бўлган ноёб ёдгорлиқни олиб кетибди, деб хафа бўлдим. Роса суриштир-

ҳажвияларини тез-тез олиб келиб турарди. Унинг ўғли Темурғолиб ҳаваскор рассом эди. Жамолдин аканинг меҳмондўст оиласига борганда Темурғолибнинг устaxonасига кириб, чизган суратларини кўриб турардим. Шунда йўқотиб қўйганим ўша сурат тарихини айтиб бердим. Зийрак рассом менинг сўзимни дарҳол илғаб олади. ўша суратни мен қайта тиклаб бераман, деб қолди. Хурсанд бўлиб кетдим, гўё отам тирилиб келгандай бўлди. Кейин мен унга ўша расм ҳақида батафсил маълумот бердим. Ҳатто, унинг қаҳрамонлари: Сайёра (овеч, дунё кезиб юрувчи девона) ва арқонга боғлаб, судраб олиб кетилаётган қийик, табиат манзараси, тўқ ёқасида онасини қузатиб турган қийик болалари ҳақида батафсил сўзлаб бердим.

Хуллас, Темурғолиб ишга тушиб кетди, бир ойда вақт ўтгач, расмини кўтариб, редакцияга қўлиб қолди. Бу дастлабки нусхаси, бир кўриб беринг, фикрларингизни айтасиз, - деди камтарлик билан. Темурғолиб расмини анча етказиб, иштаҳа, кунт билан ишлаган эди. Албатта, отамдан қолган суратда табиийлик кўпроқ эди. - Қийикнинг буйидаги туюқ - арқон қаттиқ тортилиб тургани учун қийикнинг

Суг залуган УЙЛАМАЙ БОСИЛГАН ТИКАН

Эсли-хушли одам, у хоҳ кекса, хоҳ ёш бўлсин, ҳар бир қадамни билиб босади. «О!» деса, ола қопни кўтариб, югуриб кетавермайди. Бирор ишга қўл уришдан аввал у қандай ақун топишини обдон ўйлаб олади. Ахир, айтишади-ку: «Етти ўлчаб, бир кес», деб.

юбордик. Бирок, кўп ўтмай Тошпўлат аравани юк-пуки билан чегарачилар олиб қўйганини хабар қилди... Ҳожиакбар Изидибеков: - Вазира опага: «30 минг сўм берасиз», - дедим. У рози бўлди. Юкларни ара-

кузата бошладик. Калас дарёси бўйида бир неча киши от аравادا қол олиб ўтаётганини кўриб қолдик. Рўпараларидан чиқиб, тўхтадик. Аввалига от-аравани ташлаб, тўрт киши тун қоронғулигига қочиб, яширинди. От-аравани хайдаб, Қўллонбек божхона пости томонга юрдик, рақия орқали махсус автомашинани юборишни сўрадик. Шу пайт уч киши қоронғуликдан чиқиб келиб, от-аравани, юкни ташлаб кетишни сўрай бошлади. Ҳатто, автомашинани етиб келганда ҳам Зафар Мирзаёқубов «қелишишни» таклиф қилди, кейин дўқ-пўписига ўтди. Бу орада арава атрофида ўн-ча одам тўпланиб қолганди. Лекин юкларни машинага ортаётганимизда қўл кўтариб, қаршилиқ кўрсатишмади. Юкларни чегара постига топшириб, қисмга қайтдик.

Икки чегарачи - кичик сержант М. Абдуқодиров билан оддий аскар И. Чилов судда бўлган воқеаларни гапириб беришди. Юклар машинага ортиб кетилгач, аламзада «дўстлар» дарё бўйида, чегарада хизматни ўтаётган шу икки ҳарбий хизматчига дуч келиб қолишган. Келес маҳалласидан чиқиб келган 5-6 нафар йигитлар қўшилиб, икки чегарачига қўпол муомалада бўлишди. Суд айбланувчилар, жабранувчилар ва гувоҳларнинг кўргазмалари, суд-тиббий экспертиза хулосалари ва бошқа далилий ашёларга асосланиб, уч «дўстни» жиноят содир этишда айбдор деб топди. Зафар Мирзаёқубов билан Ҳожиакбар Изидибеовнинг ҳар бири олти йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Балoғaт ёшига етмаганлиги, оиласидаги бошқа жиҳатлар эътиборга олинди, Тошпўлат Ҳамидовга нисбатан бир йил муддатга синов тайинланди. Ҳа, ўйламай босилган қадам йигитларни жиноят йўлига олиб кирди. Афсуски, шу қадамнинг жабрини фақат ўзлари тортишаётгани йўқ. Уларнинг қилмиши оилаларига оғир доғ бўлиб тушди. Энди уни ювиш осонмас. Ахир, айтишади-ку, қанчалик ювилмасин, ҳар қандай доғнинг бир умр изи қолади, деб.

Майли, жазо муддати ҳам тугар, Зафар ҳам, Ҳожиакбар ҳам озодликка чиқиблар. Тошпўлат ҳам синовга бардош бериб, ўзига билдирилган ишонччи оқлар. Лекин бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалар уларнинг ҳаётидан асло ўчиб кетмайди, бу синоатлар қора доғ бўлиб, бунун ҳаётлари давомида белги бериб туради. Аслиддин БЕГАЛИЕВ.

Лекин мана бугун темир панжара ортида ўтириб, кўнун олдида жавоб бераётган йигитлар «иш» чиқиб қолганда, юқоридаги мақолни хаёлларига ҳам келтиришмади. Бир-бирларини қидириб топиб, ўша «иш»ни дарҳол бажариш, ваъда қилинган хизмат ҳақини тезроқ олақолиш пайига тушиб кетиши. Мана энди ўша калта ўйлашлари, шошқалоқликлари жабрини тортиб ўтиришибди. Лекин халқимизнинг яна бир мақолида айтади-ку, «Сўнги пушаймон -



СУРАТЛАРДА: суд мажлисидан лавҳалар.

ўзингга душман» деб. Айтмоқчимизки, синоатлар, қўрғуликлар одам болса бошига осмондан ёғилмайди. Чунонки, ҳозир судда сўроқ қилинаётган йигитларнинг бошига тушиб турган синоатлар ҳам асло биронинг қўтқуси билан бошлангани йўқ. Ўйламай босилган тикан бугун фақат уларнинг ўзиниқанга азоб бераётгани йўқ, балки ота-оналари, қариндош-уруғлари, ҳамқишлоқларининг ҳам бошларини ерга қаратади. Жиноят ишлари буйича Тошкент туман судида Зафар Мирзаёқубов, Ҳожиакбар Изидибеов ва Тошпўлат Ҳамидовнинг жиноят ишлари қўриб чиқилди. Уларнинг энг қаттиси - Зафар ҳали 22 ёшга ҳам тўлмаган. Энг кичиги - Тошпўлат энди 16 ёшдан ошган. Учалоги Тошкент туманидаги Кўктерак қишлоғи ақинида бир, маҳаллада яшади. - Отаси ҳам, ўзим ҳам иккинчи гуруҳ ногиронимиз, - деди суд мажлисида ҳали воёга етмаган ўсмир Тошпўлатнинг онаси М. Ҳамидова. - Беш фарзандимиз ноубуд бўлган. Уч қизимиз, ёлғиз шу кенжа ўғлимиз бор. Оиламизнинг аҳволини инобатга олишларингизни сўрайман.

Наҳотки, онаизор ўз нуридийдаси тун кечада қаёқларда юрганини билмасан? Уйдан аравани хайдаб чиқиб кетганини пайқамай қолверсан? Ёки: «Тун кечада от-аравада қаёққа кетяпсан?», дея яқна-ягона ўғлидан сўрамасан? Саҳармардонда кириб келган нуридийдасидан: «Тун бўйи қаёқларда қолиб кетдинг?», деб суритишмасан? Келинг, ўша тунда уч йигитга қандай «иш» топилиб қолганини, уни дарҳол бажаришга қандай киришиб кетишганини ана ўша темир панжара орқасида ўтирганларнинг ўзларидан эшитакорайлик. Зафар Мирзаёқубов: - Кечки пайт дўстим Ҳожиакбар Изидибеов билан Қозоғистон ҳудудида, танишимиз Бауржоннинг хонадонида меҳмонда ўтиргандик. Маҳалламизда яшовчи Вазира опа Ҳузалиева келиб қолиб, юким бор, шуну Ўзбекистонга ўтказиб беришга деб қолди. Мен уяли телефон орқали қишлоғимиздан Тошпўлатни топиб, воқеани айтдим, от-араваси билан етиб келишимни сўрадим. Юкни аравага ортиб, Тошпўлатни айланма йўл орқали кечаси Калас дарёсидан ўтказиб

ТошДавМИ клиникалар медицина билим юрти томонидан 1983 йил 15 июлда Усмонова Дилбар Мухамедовна номига берилган ЖТ-1 № 091577 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ТошДавМИ клиникалар медицина билим юрти томонидан 1983 йил 15 июлда Усмонова Дилбар Мухамедовна номига берилган ЖТ-1 № 091577 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Гидрометеорология хизмати марказининг хабар беришича, 10 март кун Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб айрим жойларда туман тушади. Шарқдан секундида 5-10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 1 даража совуқ, 1 даража илқ, кундузи 7-9 даража илқ бўлади. Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Айрим жойларда туман тушади. Шарқдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 3 даража совуқ, 2 даража илқ, кундузи 5-10 даража илқ бўлади. Республикаимизнинг тоғли туманларида ҳаво ўзгариб туради, айрим туманларда қор ёғиб, туман тушади. Қор кўчиш ҳавфи бор. Фарбдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 3-8 даража совуқ, кундузи 3 даража совуқ, 2 даража илқ бўлади.

ТошДавМИ клиникалар медицина билим юрти томонидан 1983 йил 15 июлда Усмонова Дилбар Мухамедовна номига берилган ЖТ-1 № 091577 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Advertisement for 'Rassom xangasi' featuring a cartoon illustration of a man and a woman. The text includes contact information for 'Rassom xangasi' and 'Rassom xangasi' in Tashkent, and 'Rassom xangasi' in the Fergana region. It also mentions 'Rassom xangasi' in the Fergana region and 'Rassom xangasi' in the Fergana region.

Advertisement for 'Toshkent Haqiqati' newspaper. It includes contact information for the newspaper, such as phone numbers and addresses. It also mentions the newspaper's circulation and subscription information.